

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

18 февраль, сешанба, 1997 йил
Сотувада эркин нархда. № 36 (1553)

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқарувининг пленуми бўлди.


Унда жамғарманинг ўтган йилги иш якунлари ва галдаги вазифалар муҳокама этилди. Жамғарма раиси Ш. Темиров шу ҳақда маъруза қилди.
Маърузачи ва сўзга чиққанлар ўтган давр мобайнида жамғарма республика бошқаруви ҳамда унинг жойлардаги бўлим ва бўлимчалари мамлакатимиз Президентининг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги фармонлари ва ҳукумат қарорларини бажаришда муайян ишларни амалга оширишнинг таъкидиди. Хозир жамғарма ва маҳаллалар тасарруфидати кичик корхоналарда салкам 12 минг киши меҳнат қилмоқда. Чет эл жамоат ташкилотлари, жамғармалари билан алоқа тобора кенгаймоқда. Айни вақтда жамғарма ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари фаолиятидаги жиғий камчиликларга эътибор қаратилди. Бундай камчиликларга тезла барҳам бериш зарурлиги қайд этилди.
Пленумда Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитасининг раиси Д. Гулмова сўзга қилди. (ЎЗА)

РАСМИЙ ТАШРИФ АРАФАСИДА

МУШТАРАК МАНФААТЛАР

Литва Болтиқ денгизи соҳилларида жойлашган қадимий мамлакатдир. Майдони -- 64445 кв км. ни ташкил қилади. Аҳолиси -- 3,7 миллиондан ошди. Пойтахти -- Вильнюс. Пул бирлиги -- лит.

Сизга яхши маълумки, Литва ён кўшнлари Латвия ва Эстония сингари ҳали собиқ Иттифоқ таназзулидан дарак бўлмаган бир вақтда мустақиллик даъвоси билан майдонга чиққан эди. Албатта, бу ҳаракат сиёсий мазмун билан боғлиқ. Негаки, Болтиқбўйи республикалари 1940 йилда собиқ Иттифоқ таркибига мажбуран қўшиб олинган эди. Қизил салтанатнинг узок йиллик ҳукмронлиги эса эрк, озодлик сўзларини асл маънодан холи, сафсата қилиб қўйган эди. Мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан собиқ Иттифоқнинг улкан эҳтиёжлари учун фойдаланиларди. Аммо ушбу қарамлик янгица яшаш ва фикрлашнинг орзу қилган Литва халқининг истиқлол йўлидаги сай-ҳаракатларига монъелик қила олмади. Бошқа Болтиқбўйи республикалари қатори Литва ҳам ўз мустақиллигини эълон қилди. Қисқа вақт ичида мамлакат иқтисодиёти қайта қурилди.
Литвада ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат



маҳсулотлари, электр товарлар, уй жиҳозлари, мебелларни таърифлашга ҳожат бўлмаса керак. Зеро, Болтиқбўйи республикалари 1940 йилда собиқ Иттифоқ таркибига мажбуран қўшиб олинган эди. Қизил салтанатнинг узок йиллик ҳукмронлиги эса эрк, озодлик сўзларини асл маънодан холи, сафсата қилиб қўйган эди. Мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан собиқ Иттифоқнинг улкан эҳтиёжлари учун фойдаланиларди. Аммо ушбу қарамлик янгица яшаш ва фикрлашнинг орзу қилган Литва халқининг истиқлол йўлидаги сай-ҳаракатларига монъелик қила олмади. Бошқа Болтиқбўйи республикалари қатори Литва ҳам ўз мустақиллигини эълон қилди. Қисқа вақт ичида мамлакат иқтисодиёти қайта қурилди.
Литвада ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат

Литванинг табиий бойликлари унчалик кўп эмас. Шу сабабли асосий даромад саноат маҳсулотларини экспорт қилиш орқали келади. Четдан кўпроқ нефть маҳсулотлари, химикатлар, дон ва технологиялар келтирилади. Литванинг ташқи савдо бўйича асосий шериклари Польша, Россия, Германия ва Скандинавия мамлакатларидир.
Мамлакат сиёсий ҳаёти ҳақида гапирганда мустақилликдан кейин бир қанча партиялар вужудга келганиги ва улар ҳокимият учун курашда фаол

ган. Пойтахтимизда ҳам ана шундай марказ ишлаб турибди. У ўз юртошларининг маданияти, урф-одатларини сақлаш, миллий анъаналарини ривожлантириш каби вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.
Маълумки, бугунги кунда Европанинг ривожланган мамлакатлари билан алоқаларимиз кун сайин камол топмоқда. Республикаимиз Германия, Франция, Чехия, Словакия, Польша давлатлари билан олий бораётган алоқалари ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади. Сир эмас, ушбу мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлашувидан Болтиқбўйи республикалари, жумладан, Литва портлари муҳим аҳамият касб этади. Мазкур портлардан фойдаланишдан литвалликлар ҳам манфаатдордир. Зотан, уларга ҳам Ўзбекистон сингари ишончли миқозлар керак. Агар Литва иқтисодиётида энгил саноатнинг ўрни катта эканлигини ҳисобга олсак, унда республиканинг тўқув ва тикув корхоналари ўзбек пахтаси ва бошқа маҳсулотларга эҳтиж сезаётганлигини кўраемиз. Айтуқимизки, Ўзбекистон ва Литва ўртасидаги ҳамкорлик икки халқ манфаатларига тўла мос тушди.
Литва Республикаси Президенти Алгирдас Бразаускасининг мамлакатимизга ташрифи бири Шимолда, иккинчиси Жанубда жойлашган, икки мамлакат ўртасидаги алоқаларини янада мустақамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.
Фурқат ЧОРИ ўгли,
«Халқ сўзи» шарҳловчиси.

САБОҚЛАР

ОҚКЎНГИЛ ХАЛҚ ҲАР НАРСАГА ҚОДИР

Илгари хабар қилинганидек, шу йил 14 февраль куни халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Президентимиз Ислоҳ Каримов сессияда нутқ сўзлаб, Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маънавий ҳазинасида Фарғонанинг алоҳида ўрни ва муносиб ҳиссаси борлигини, айниқса, истиқлол йилларида вилоят халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида ижобий ўзгаришлар амалга оширилгани, бозоригр маҳсулотлар ишлаб чиқарилган янги тармоқ ва корхоналар барпо этилганини таъкидлади. Шу юрт учун куйнайдиган, шу юрт тақдирини ўйлайдиган ҳар қайси инсон бу ўзгаришларни кўриб, албатта, қувонади, қалби гурурга тўлади.
Лекин мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида ушбу заминнинг бой иқтисодий қазини, беқиёс ишлаб чиқариш қуввати, маънавий ва ақлий захира-

лари алоҳида мавқега эга эканлиги ҳисобга олинса, қанчалик аччиқ бўлмасин, вилоятда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг қўламини ва моҳиятини қониклар, деб бўлмайди. Иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар ва тув ислохотлар ички олимбор бормилмайти. Кўп қиррали иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ишлар эса талаб даражасида эмас.
Юртовшимиз Фарғона вилоятидаги бугунги ижтимоий-иқтисодий вазиятни теран таҳлил қиларкан, аввало, фойдаланилмаётган имкониятлар, ишга солиналмаётган омиллар, йўл қўйилмаётган камчилик ва нуқсонлар, тараққиётимизга тўсиқ бўлиб турган муаммоларни тезроқ бартараф этиш ва бундан керакли сабоқлар чиқариб олиш ҳақида батафсил тўхталиб, ана шу долзарб масалаларга эътиборни қаратди. Бу сабоқлар нималардан иборат?

1. МУЛК ШАКЛИНИ ЎЗГАРТИРИШ -- АСОСИЙ ВАЗИФА

Яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисада кичик ҳўжйларда ислохотлар борасида қабул қилинган ҳўжй ва меъёрий ҳўжатларнинг етарли даражада татбиқ этилмаётгани, мулкка эгаллик масалалари ўз ечимини топмаётгани, деҳқонларда ҳўқуқий мулкдорлик ҳисси ва кишлоқларда эса мулкдорлар синди шаклланимаётгани, деҳқонлар меҳнати ҳўжалик фаолиятининг пировард натижалари билан боғлиқдан иқтисодий механизм амалда қўлланилмаётгани ҳамда моддий манфаатдорлик тамойиллари бузилаётгани, бу борада бюрократик тўсиқлар мавжудлиги ва бошқа бир қатор муаммолару иллатлар кескин таъкид қилинган эди. Мамлакатимиз раҳбари сессияда ҳам ана шу муҳим масалаларга алоҳида тўхталиб, мулк шаклини ўзгартириш ислохотларининг таъкидиди қилди. Афсуски, вилоятда бу борадаги ишлар ҳам кўнглидагидек эмас. Қатор корхоналарнинг номи ўзгарган-у, иш услуби ҳанузгача эскича қолмоқда. Уларда аниқ бизнес режалари йўқ, акциядорлар эса ўзлари аъзо бўлган жамиятнинг бошқарувида фаол иштирок этилмаётган.

Бўнинг сабаби, аввало, жуда кўп жойларда мулкдор, фермер, деҳқон ўзини ҳақиқий, асл мулк соҳиб сифатида ҳис қилиши учун етарли шарт-шароит яратилмаганидир. Бу масалани ечишда эса расмиятиликка, бош-бошдоқлик, бепарволик ва масъулиятсизликка йўл қўйилмоқда. Иккинчидан, «Бизнес фонд», «Мададе сугурта компанияси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг вилоят бўлимлари ҳамда биржалар ўз фаолиятларини ҳанузга қадар давр талабларига мослаштира олмаётганлар. Оқибатда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадига ташкил этилган 8 мингдан ортиқ кичик ва ҳусусий корхоналарнинг фақат 50 фоизи ишламоқда, ҳолос. Мавжуд 2000 та деҳқон (фермер) ҳўжалигининг аксарияти эса яхши самара бермаётти. Бунда, албатта, вилоят, туман ҳокимлари, тижорат банклари раҳбарларининг ҳам айби бор. Тижорат банкларидан кредит беришда миқозларнинг молиявий аҳоли ҳўқуқ ўрганилмамайти. Узоро кафоур ва гаров мажбуриятлари эса ҳўқуқий жиҳатдан тўғри расмийлаштирилмапти.
Фақат шўгина эмас. Вилоятда мавжуд 264 чорвачилик фермасидан 135 таси «Ким

ОЛИЙ МАЖЛИС КЎМИТАЛАРИДА

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Олий Мажлиснинг еттинчи сессияси бўлиб ўтганига бир ярим ойдан зиёдор вақт ўтди. Ҳўш, айни пайтда Олий Мажлис кўмиталарида қандай ишлар амалга оширилмоқда?
Муҳбиримиз Олий Мажлис Курилиш ва уй-жой-коммунал ҳўжалиги кўмитаси раиси Хурсанд ТОШЕВ билан ана шу ҳақда сўхбатлашди.
-- Хабарингиз бор, кўмитамиз ўзининг аввалиги йиғилишларидан берида уш йилда мулкдорларнинг фаолият режасини тасдиқлаб олган эди. Биз айни пайтда, асосан, ана шу режа асосида иш юритаяпмиз.
-- Режанинг билан қисман танишман. Унда агар алаҳимасам жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги Қонунининг жойлардаги ижросини назорат-таҳлил қилиш вазифаси белгиланган эди...
-- Тўғри. Кўмитамиз қошида кўмита аъзолари ҳамда мутахассислардан иборат


гурӯх тузганмиз. Улар, айни пайтда, «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги қонуннинг Хоразм вилоятидаги ижросини назорат қилишапти. Обдон таҳлил қилиб, муайян ҳўлосага келинганидан кейин кўмитанинг навбатдаги йиғилишларидан берида уни муҳокама қилиш ниятимиз бор.
-- Йилнинг иккинчи чоратида эса мазкур қонуннинг Бухоро вилоятидаги ижросини таҳлил қиламиз.
-- Кўмитада янги қонун лойиҳаси устида ҳам иш олиб борилаяпти?
-- Ҳа. Кўмитамизда ҳўзир Олий Мажлис Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш кўмитаси билан ҳамкорликда «Инвестиция тўғрисида»ги қонун лойиҳаси устида иш олиб борилаяпти. Уни Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси муҳокама-сига киритишни режалаштирганмиз.
«Халқ сўзи»нинг парламентлари муҳбири Исмаил ХУДОЕВ сўхбатлади.

Тошкентда «Оммавий ахборот воситаларини демократиялаш ва ёшлар муаммолари» бўйича давра сўхбати бўлди. Учрашуви республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси ҳамда Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси уюштирди.

МАТБУОТ ВА ЁШЛАР

Унда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, республика ёшлар ҳаракатининг раҳбарлари, Тошкент давлат университетини журналистика факультети ўқитувчилари иштирок этди. Жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш жараёнида демократиялаш соҳасидаги ўзгаришлар алоҳида аҳамиятга эга бўлади, дейилди учрашува. Шу муносабат билан ёш аълодини мустақиллик, умумбашарий ва миллий қадриятлар гоъялари асосида тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ортади. Республикаимизда вужудга келаётган бозор муносабатлари шароитига мослашишда ёрдм бериш, йигит ва қизларни демократик ислохотларда фаол иштирок этишга жалб этиш зарур. Учрашувада журналистларни ҳўқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг касб тайёргарлигини яхшилаш, оммавий ахборот воситаларининг молиявий мустақиллигини ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

«Ховосон» кичик корхонаси ишга тушиши билан бир ерда 20 хилдан зиёд маҳсулотлар тайёрлаб аҳолига етказиб берилаяпти.
Маҳсулотлар сифатли бўлашлиги сабаби бу ерда миқозларнинг қадими узилмапти. Корхона қошида чўғроққина бар ҳам ташкил этилган. Узок йўл босиб келадиган йўловчилар ва ҳайдовчилар тўхтаб ҳордиқ чиқаришлари мумкин.
Суратда: Цехда иш пайти.
Б. ТўРАЕВ олган сурат.



БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ташқи иқтисодий фаолият миқоли бандидаги хабар қилишларича, 12 февраль куни Лондонда, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки қароргоҳида Ўзбекистон Республикасидаги кичик ва ўрта бизнесга доир лойиҳаларни маблар билан таъминлаш тўғрисида кредит битими имзоланди. Бу кредит ўсимлик ва минерал ҳомеясини чўрур қайта ишлашга доир лойиҳаларни амалга оширишга сарфланади, бу лойиҳалар мамлакатнинг экспорт иқтисодини оширишни, илтиш иш жўйларни барпо этишни, мамлакат савдо ва тўлов балансини мағбул ҳолатта

тараққиёт банки дастлаб 1993 йил октябрида Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини маблар билан таъминлаш учун кредит ажратган эди. 60 миладон долларлик бу кредитга миқоли банк томонидан хизмат қилган ва ўзлаштирилган эди. Шу сабабли Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки 120 миладон доллар миқдорига ишга кредит ажратишга ёрдм берди. Шундан 60 миладон долларий Ташқи иқтисодий фаолият миқоли банкига, 30 миладон долларий «Аска» миқоли банкига юборилди. Қолган 30 миладон кейинчалик Ўзбекистоннинг Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки тарафидан мос келадиган бошқа тижорат банкларига ажратилди.
(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САҢЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КЎМИТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари кўмитаси 1997 йилги Абдула Қодирий номидаги давлат мукофоти олиш учун иждоий танловога қўйиладиган номзодлар тақдим этилганини маълум қилади:
I АДАБИЁТ СОҲАСИДА
Омон Мухтор -- «Тўрт томон қиёфа» («Минг бир қиёфа»), «Кўзгу олдидаги одам», «Тепаликдаги хароба» трилогияси.
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тақдим этган.
II САҢЪАТ СОҲАСИДА
ТАСВИРИЙ САҢЪАТ
I. Тойир Болтабоев, Хуршид Назиров, Файрат Камолов, Солиқдор Қорабоев -- Тошкентдаги Темирийлар тарихи давлат музейига ишланган уч қисмли маҳобатли «Буюк соҳибқирон -- буюк бунёдкор» деворий наққошлик асари.
Анвар Илҳомов, Бахтиёр Раҳмонбердиев -- Темирийлар тарихи давлат музейи гўмбазида юксак маҳорат билан тасвирланган наққошлик ишлари.
Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси тақдим этган.
2. Ниязали Холматов, Шоҳалия Шобқубов -- Ўзбекистонда минимал-торя санъатини тиклаш соҳасидаги ишлар туркуми.
Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси тақдим этган.
3. Ортиқали Қозоқов -- сўнги йилларда яратилган замонавий ва тарихий мазҳабдаги рангтаъсир асарлари. («Наврўз», «Янги кун», «Шарқ келинчаги», «Номозшо» ва бошқалар).
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тақдим этган.
САҢЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК
1. Мунаввар Абдуллаева, Турғун

Азизов, Файзулла Хожиев -- Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида Абдулла Қодирий асари асосида сахнага қўйилган «Меҳробдан чаён» спектакли.
Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги тақдим этган.
2. Рустам Маълиев, Зулайхо Бойқонова, Мақсуда Отажоновна -- Муҳимий номидаги ўзбек Давлат мусикали театрида Улмас Умарбеков асари асосида сахнага қўйилган «Фотима ва Зухра» спектакли.
Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси тақдим этган.
МУСИҚА САҢЪАТИ
1. Мустифо Бафоев -- 1992-1996 йилларда яратилган «Умар Ҳайём» операси, «Улўбек Буржи», «Нодира», «Мозийдан нур» балетлари ҳамда истинқоли тараннум этувчи қўшиқлар туркуми.
Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси тақдим этган.
2. Анор Назаров -- 1992-1996 йил-

ларда яратилган, истинқоли руҳи билан йўғрилган қўшиқлар ва мусиқалар туркуми.
«Ўзбекнаво» концерт-гастроль бирлашмаси тақдим этган.
ТЕЛЕВИДЕНИЕ
Ҳайбаталла Алиев, Эркин Комилов, Шариф Қодиров -- Тоҳир Малик асари асосида яратилган етти қисмли «Сўнги ўқ» видеофильми.
Узтелерадиокомпания тақдим этган.
III. МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА
Пулат Зоҳидов -- «Темир даврининг меъморий қаҳрамони» китоби.
Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси тақдим этган.
Тақлиф ва мулоҳазаларини кўйидаги манъага юборишигизни сўраймиз: 700000, Тошкент шаҳри, Абдулла Тўқай кўчаси, I. Абдишай, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари кўмитаси. Телефон: 34-83-54

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 17 февралдан бошлаб ҳисоб ва боқона гуворларини учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қўйимини белгиледи: *)

1 Австралия доллари	43,43	1 Канада доллари	42,12
1 Австралия шиллинги	4,77	1 Ҳонг конгони	6,86
1 Англия фунт стерлинги	92,04	1 Кувейт дивори	187,41
10 Бельгия франки	16,28	100 Ливан фунти	3,68
1 Голландия гульдени	29,92	1 Малайзия рингити	22,85
10 Грекия драхмаси	2,16	1 Германия маркиси	33,58
1 Дания кронаси	8,81	1 Норвегия кронаси	8,47
1 БАА дирхами	15,48	1 Польша злотийси	18,79
1 АКДП доллари	56,87	10 Португалия эскудоси	3,35
1 Мексика фунти	16,79	1 Сингапур доллари	40,11
1 Иран қангани	89,77	1000 Туркия лираси	0,47
1 Исландия кронаси	0,81		
1 Исландия леври	3,97		
10 Италия лираси	3,41		

*) Валюта қўйимини белгилеш тоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарини ушбу қўйиматда сотин ёки сотиб олиш мажбуриятини олганми.

ЭНИЛГИ-ЭНЕРГЕТИКА РЕСУРСЛАРИ

15-БЛОК КУДРАТИ



Олтмишинчи йилларнинг охирида Қарши даштида кенг қўламда олиб борилган қидирув ишлари ўз самарасини берди. Денгизкўл ва Ўртабўлоқ яйловлари ястанган ер остида кучли табиий газ оқими борлиги аниқланди. Иккала қондан олинган намуналар илмий-тадқиқот марказларига юборилди. Таҳлил эса газ таркибига қимматбахў ёқилми -- конденсат ва 6 фоизгача олтингургурт маъжудлигини кўрсатди.

Муваққислар олтингургуртга газдан маиший хизматда фойдаланиш мумкин эмаслигини айтишди. Чунки унинг ёниши оқибатида инсон саломатлиги учун зарарли моддалар ажралиб чиқади. У ҳатто металл қувурларни ҳам емириб, 3-4 йил ичида яроқсиз холга келтириб қўяди.

Бирок ўша пайтда табиий газга талаб кучли эди. Шу боис катта сарф-ҳаражатлар эвазига бўлса-да, ушбу қонларни ўзлаштиришга фалса берилди. Олимлар муваққислар зиммасига эса газ таркибидagi олтингургуртнинг ажратиб олиш муаммосини ҳал этиш вазифаси юклатилди.

Шундай қилиб, 1971 йилда «Муборак» давлат наслчилик заводи ҳудудида бўлажак йирик қорхонанинг дастлабки блоки фойдаланишга топширилди. У бор-йўғи бир миллион куб метр табиий ёнилгини қайта ишлашга мўлжалланган эди.

Кейинчалик Муборак газни қайта ишлаш қорхонаси ҳам энга, ҳам бўйига кенгайди. Цехлар мукамал усқуналар билан жиҳозланди. Маҳаллий ёшлардан эса малакали муваққислар тайёрланди. Оқибатда 90-йиллар бошида қорхонада йилига 14 миллиард куб метр газ тазолаangan бўлса, ўтган йили эса 25 миллиард куб метрдан зиёд табиий ёнилги қайта ишланди. Бу маҳсулот нафақат республикамиз саноат қорхоналари, шаҳар ва қишлоқларида, балки қўшни Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам юборилди. Газ таркибиде эса 620 минг тонна конденсат, 321 минг тонна олтингургурт ажратиб олинди.

Мазъумлик, конденсат таркибиде 75-80 фоиз қимматбахў бензин мавжуд. Шу боис бу маҳсулот Америка Қўшма Штатлари, Англия, Швейцария ва Малайзияга олтингургурт эса Россияга етказиб берилмоқда. Эвазига эса завод учун, газ ва нефть қонлари ҳамда Қоровулбозор нефтини қайта ишлаш қорхонаси учун зарур усқуналар келтирилмоқда.

Янги йил арафасида қорхонада 15-блок қайта туширилди. Унинг қудрати туфайли қайта ишланган газ микдори кескин ошди, -- деди завод директори, иктисод фанлари номзоди Нуриддин Зайниев. -- Эндиликда

биз йилига 30 миллиард куб метр тоза маҳсулотни истеъмолчиларга юбориш имкониятига эга бўлдиқ.

Ушбу янги блок қурилиши 45 ойга мўлжалланган эди. Амалда 11 ой мобайнида тикланиб, ишга туширилди. Қисқа муддатда 5 минг тоннадан зиёд темир буюмлари пайванд қилиниб, қарийб 389,4 миллион сўмлик иш бажарилдики, бу ютуқда Эркин Мирзаев етакчилик қилаётган «Қашқадарёнефтьгазсаноатқурилиш» хиссадорлик жамияти ҳамда ўнга яқин пудратчи ташкилотлар муҳандис ва ишчиларининг фидокорона меҳнати мўжасам.

Лойиҳачиларнинг таъкидлашича, 15-блокни тиклаш учун сарфланган харажатлар 5 йил мобайнида қопланиши керак. Лекин қорхона муваққислари шу муддатни 9 ойгача қисқартириш йўлида астойдил ғайрат-шижоат кўрсатишмоқдалар. Чунки бунга тўла асослар бор: 13-блок 9 ойда, 14-блок эса 10 ойда ўзини оқлаган эди.

Утган даврда АҚШнинг «Юнион карбайд» ва «ДАУ-Неминиял», Швейцариянинг «Зульцар» фирмалари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, газни олтингургуртдан тозалаш, газ таркибидagi конденсатни ажратиб олишининг янги усқунларини жорий этдики, -- сўзида давом этди қорхона директори. -- Айниқса, бу жараёнларда метилдэталоланим кимёси аралашмаси, амин моддасининг қўлланниши кутилганидан зиёд самара бермоқда. Муваққисларимиз томонидан хорижий мамлакатлардан келтирилган технология қурилмалар учун эҳтиёт қисмлар, қўшимча асбоб-усқуналарнинг аксариятини заводнинг ўзида ишлаб чиқариш ва таъмирлаш йўлга қўйилгани туфайли эса йилига бир неча миллион сўм маблағ иктисод қилинаётди.

Бундай тадбирлар натижасида кейинги беш йил ичида қорхонада рентабеллик даражаси 46 фоиз ўсди, мўҳими, даромадга даромад қўшилди. Унинг катта қисми эса шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, мактаб ва болалар боғчалари қуриш, илмий-маърифатчиларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадларига ишлатилмоқда.

Меҳнат аҳлига ғамхўрлик кўрсатилаётган, уларга қулай шарт-шароитлар яратилаётган ҳолида, албатта, иш маромида давом этаверади, самарадорлик эса ошверади. Бунга биз мубораклик газчилар мисолида яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

П. ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕК ПАХТАСИ ЖАҲОН КЕЗМОҚДА

Марказий Фарғона чулларига туташ Улуғнор туманидаги «Оқ олтин» пахта тозалаш қорхонасида олинган толалар Европанинг бир қанча мамлакатлари ва уммон ортидаги АҚШ саноатчилари томонидан харид қилина бошланди.

Ҳозиргача қорхона ишчилари тайёрлаган толаннинг уч минг тоннаси Швейцария, Жанубий Корея, Америка Қўшма Штатларига экспорт қилинди. Айни пайтда тозаловчилар баҳорги чигит экиш мавсумига ҳам қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Улар шу йилнинг март ойигача 1200 тонна сифатли уруғлик ҳозирлашлари зарур.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯҲОНА

Урганч шаҳрида Ўзбекистон-Жанубий Корея «Алоқа-ДЭУ» қўшма қорхонаси дастлабки маҳсулотини бера бошлади. Уни қуриб ишга тушириш учун няхоятда қисқа муддат -- бор-йўғи бир йил керак бўлди. Шу давр мобайнида қорхона замонавий усқуналар билан тўла жиҳозланди. Ҳозирда бу ерда асосан 5 хилдаги маҳсулот -- рақамли автомат-телефон станциялари, ҳар хил марказдаги телефон аппаратлари ишлаб чиқариляпти.

Қорхонада 220 киши меҳнат қилади. Уларнинг бир қисми Жанубий Кореяда 3-4 ой малака ошириб қайтган. Ҳозир бу ерда шартнома асосида Андижон ва Наманган вилоятларининг алоқа тармоқлари учун янги маҳсулотлар тайёрламоқда.

Марказий Осийда шу тўрдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ягона бўлган бу қўшма қорхонани келажакда янада кенгайтириш режалаштирилган.

Суратда: қўшма қорхонанинг бош конвейерида. Р.ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган сурат.

Давра сўхбатини «Халқ сўзи» мухбири Фурқат САНАЕВ ёзиб олди.

барча газеталар саҳифасини айланиб чиқади. Ўзбекистонда кўптартиявийлик тизимининг пойдевори қуриляпти, бир қанча партиялар фаолият кўрсатаёпти. Ана шу партиялар фаолияти, гоёки, режа ва мақсадларини ҳолисона баҳолай оладиган журналистлар қанча? Иктисодиётнинг, ҳуқуқнинг, ички ва ташқи сиёсатнинг нозик томонларини тез илғаб оладиган журналистлар-чи? Афсуски, улар бармоқ билан санарли даражада оз. Ана шундай қўсурулардан холи бўлмаган матбуотимизнинг туртинчи ҳокимиятга даъвогарлик қилиши галати туюлади. Назаримда, барибир унинг қандай бўлиши сиз билан биз, яъни унинг яратувчиларига боғлиқ.

Капиталистик мамлакатларда, шу жумладан, Туркияда ҳам матбуотнинг асосий қисми давлат тасарруфидан чиқарилган. Ҳар бир газета, ҳар бир телевидение канали имкон қадар муҳлислари сафининг кенгайиши учун курашади. Курашининг усқунлари кўп... Журналистлар фаолиятига қараб маош ва қалам ҳақи олашади. Масалан, Туркиянинг одий бир мухбири ўртача 300-400 доллар маош олгани ҳолда, ўз устида мунтазам ишлайдиган машҳур журналистнинг долларлаб маош олиши мумкин. Қуриб турганингиздек, гап яна бориб рақобатга тақалляпти. Маошининг ошишини истаётганимиз, марҳамат. Билимининг ошириш, тежор бўл, ўзгалардан ажралиб тур.

Бизда эса, мени кеңирайсизлар-у, қонун билан фармоннинг фарқида бормайди, ўзи ёритаётган мавзуну билмаслик оқибатида чала-чўпла, тўтмоқ фикрлар билан хаспўшлаб кетадиган ҳамкасбларни ҳам кўрашмиз. Саёлиқка кўникиб қолган журналистларимизнинг халқаро анжуманларда бир чеккада қисийиб-қимтинги ўтирганларининг ҳам тўғовчи бўлганмиз. Аксарият ҳолларда улардан жўяли савол чиқмайди. Йўқ, савол бертилари келмаганидан эмас, балки саволларнинг юзақилигидан изза бўлмаслик учун савол бермайдилар. Савол бериш учун ҳам савия, билим керак-ку ахир? Бу ҳақда Президентимиз «Озолик» радиоси ўзбек шўбаси ҳодимлари билан қилган сўхбатиде ҳам тўхталиб ўтган эди.

Менга сабоқ берган азиз домлаларимдан минг бор уэр сураган ҳолда шунини айтишим керакки, ҳамкасбларимизнинг билимсизлиги, журналистлар тайёрлайдиган даргоҳ -- журналистика факультетидан бошланади. Баъзи олий ўқув юртларида ҳам журналистика бўлимлари очилганидан хабарим бор. Назаримда, мамлакатда журналист кадрларни тайёрлайдиган марказлаштирилган олий ўқув даргоҳини ташкил қилишга вақт етди. Бу ўқув юртида иктисодиёт, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, фалсафа, чет тиллари, компьютер билан ишлаш техникаси чуқур ўқитилса, бу жараёнга малакали муваққислар жалб этилса, янги ўзбек журналистикасининг шаклланишига катта туртки бўлар эди.

Матбуотнинг гаровидир. Яна бир муҳим томони, Президент Ислоом Каримов таъкидлаганидек, «танқидни охири замон деб қабул қиладиганлар» тоифасидигиларнинг дунёқарашиде ўзгариш бўлиши ҳам эркин матбуотнинг тўлақонли шаклланишига таъсири катта. Жаҳонгир НАҲАНОВ Овадўли (Туркия) Ахборот агентлигининг Ўзбекистон бўйича мухбири: -- Ҳар нарсанинг ибтидоси, илдизи бор. Биз -- туркий тилли халқлар Шарқ анъаналари, маънавий қадриятлар руҳида тарбияланганмиз. Башариёт қўлга киритган ютуқ ва янгиликларни ота-

бобларимиз миллий шууридан кеңириб, янгича бир талқин билан ўзлаштирган. Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳам киши билмас ҳудди ана шу ўлчовлар асосида ривожланиётти, десам хато бўлмас. Миллий қадриятларга асосланган бундай ёндашуви

жамиятнинг демократлашуви жараёнида ҳам кузатиш мумкин. Охириги пайтларда демократия билан чамбарчас боғлиқ сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги каби тўшунчалар атрофида юритилаётган баҳс-мунозараларнинг шохиди бўлиб турибмиз. Ҳўп, демократия ўзи нима? Бу биз учун янгиликми, йўқми? Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ҳур фикрлилик қадимдан мавжуд тушунча эканига амин бўламиз. Демократия ҳар бир даврга тўшунчи ўзгаришлар билан талқин қилинган. Ўзбек халқининг ўтмиши ҳам бундан мустасно эмас. Шу ўринда демократиянинг шарқона кўринишини назарда тутаямиз. Шарқона демократия, авваламбор, ўзини ва ўзгани ҳурмат қилиш салоҳиятига эга бўлиш демак. Қонун устуворлиги таъминланган барча давлатларда демократия қонунга хилоф иш кўрмайди. Демократия, ҳатто демократиянинг ватани саналган Америкада ҳам озғига келганини гапириш, хоҳлаган ишини қилиш дегани эмас. Акс ҳолда у бутунлай ўзгача, яъни анархия деб номланган бўлур эди. Матбуот ҳақида сўз борар экан, Президент Ислоом Каримов таъбири билан айтганда, матбуотдаги бир ёқламлик, бир хиллик, мақолалардаги саёлиқни тан олмай иложимиз йўқ. Вазифа тақозоси билан қундалик нашрларнинг, телевидение хабарларининг деярли барчасини кузатиб борамам. Мавзунинг ёритилишидаги саёлиқ, мушоҳада ва таҳрир заифлиги, пировардида одилона танқиднинг танқислиги кўзга ташланади. Бўлган бир хабар ҳафта давомиде ҳеч бир ўзгаришсиз

ИЛК ҚАДАМЛАР

жаҳон демократик матбуоти талабларига ҳозирда даъво этишга бир қалар эрта, аммо бу дегани, бор гапни ёзиш учун уч-тўртта дипломини қўлга киритиш керак, дегани эмас. Демократияни, ўзбек имлосини, алифбосини ҳаминқадар ўзлаштирган оламнинг нияти холис бўлса, шаклдан қатъий назар ҳақиқатни ёзиши мумкин. Ўзбек журналистикасининг анчайин муаммолари замирида етган қўсур ҳам ана шундандир.

Матбуотимизнинг яна бир «ўзига хослиги» шундаки, ўтмишга эътибор, келажакка зарбоф тўн кийдириш бору, бироқ бугуннинг ҳолидан хабар олиш ҳаминқадар. Тўғри, ўтмишнинг унутмаслик керак, аммо тарихчиларга ҳам нон қолсин. Журналист асосан бугуннинг муаммоси билан тирик-ку.

Кейинги пайт галати бир тенденция пайдо бўляпти. Айрим нашрлар аҳволни ўнглашга ҳаракат этиш бир жаҳон демократик матбуоти талабларига ҳозирда даъво этишга бир қалар эрта, аммо бу дегани, бор гапни ёзиш учун уч-тўртта дипломини қўлга киритиш керак, дегани эмас. Демократияни, ўзбек имлосини, алифбосини ҳаминқадар ўзлаштирган оламнинг нияти холис бўлса, шаклдан қатъий назар ҳақиқатни ёзиши мумкин. Ўзбек журналистикасининг анчайин муаммолари замирида етган қўсур ҳам ана шундандир.

Матбуот олдига қўйилдиган умумий вазифалар ҳам бор -- унинг сўзи ҳаммаша холис ва ҳаққоний бўлиши, тарафкашлик қуроллига, ўч олиш минбарига айланмаслиги керак. Иккинчидан, матбуот ўз сўзининг ростлиги, ҳаққонийлиги, билан бир қаторда унинг ўриндиллиги учун ҳам масъулдир. «Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланishi мумкин», деган демократик изоҳ у ёки бу масалада таҳририят позициясининг заифлашувига олиб келмаслиги керак.

Бугун биз жамиятнинг демократлашуви, сиёсий ислохотларнинг бориши, ўзликни англаш, миллий гурур, миллий маъсулият, инсон манфаатлари, қонун устуворлиги тўғрисида фикр юритмоқдамиз. Ҳуқуқ дегани бу -- одамларга бирор ким томонидан инъом этиладиган «қад» эмаслигини, одам боласи бу фойий дунёга ўз ҳуқуқлари, манфаатлари билан келишини тушуниб етмоқдамиз. Ва яна ҳуқуқ бу -- қонун эмаслигини, у -- янаша илми, турмушининг сифат даражаси эканлигини фарқлай бошлаймиз. Бу тушунчалар беинтисо ҳаммаси учун янги бир ҳолат, янги бир мавзудир. Демакки, уларни моҳиятан чуқур англаб етмоқ зарур.

Бугун бизда сиёсий ислохотлар жадаллик билан олга сурилётган экан, матбуот ҳам ўз навбатида шу йўлга ўтиши керак. Бошқа йўл йўқ, Ўзбек

миллий матбуоти олдиде собиқ ҳуқурон мафқуранинг «нишонни беҳато урувчи ва энг узоққа отувчи» қуролидан жамоатчилик фикрини шакллантирувчи демократик институт мақомига ўтиш вазифаси турибди. Бу вазифа-вазифаси-ю, ҳаракатлари худудини пухта ўрганмоғи, билмоғи лозим. Акс ҳолда... бугун матбуотимизнинг ноҷо аҳволига сабаблардан бири ҳам ана шунда кўрилади. Менимча, журналистларнинг сувияси ўлароқ,

ни Президентимиз Ислоом Каримов «Озолик» радиоси ўзбек шўбаси ҳодимлари билан қилган сўхбатиде ҳам аниқ белгилаб берди: жамоатчиликнинг мансабдорларга нисбатан фикрини ифодаловчи матбуотгина демократик матбуот ҳисобланади. Демократик матбуотнинг муҳим усқунатларидан бири -- фикрлар, қарашлар, нуқтан назарлар хилма-хиллигидир. Бундай матбуот жамият раванқи, манфаатларидан келиб чиққан ҳолда басҳ-мунозараларга, қисий таҳлилларга кенг ўрин бериши, ўрни келганда кимнинг кимлигини-самимий кўрсатиши, бир масалага нисбатан нисбатан айрича ёндашувларни жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиши зарур. Аммо бу осон иш эмас. «Газета», таҳририят қадққа қараётти, нега баҳсли мулоҳазаларни ҳам босиб чиқармоқда», дегувчилар, албатта, топиллади. Бир муҳабир сифатида менинг бу масалага нисбатан ёндашувим қўйилди: ўша ўринсиз ёки баҳсли тақлиф ва мулоҳазани, у ёки бу воқеага нисбатан бошқача позицияни муҳаббир ўзинча таҳрир қилгани, аниқроғи, мақоланинг шу жойларини қисқартириб чиқаргани билан муаллифининг фикри ўзгариб қолмайди. У барибир ўз фикрида қолади. Жамият эса маълуом кишиларда бошқача нуқтан назар ҳам боришини билиб олиш имкониятидан маҳрум бўлади. Рақиб фикрларини яхши англаган шохмоғчи тахта устидаги жангинг ҳеч бир чигалликсиз ҳал қила олади.

Яна бир мулоҳаза. Мўмин-қобил одам бир кунда бирданги ҳақиқатни билиб қолмаганидек, шунча вақт сип-силлиқ ёзиб келган матбуот ҳам бирданги «урушқоқ ҳўроз»га айлана олмайдди. Ва айланмаслиги ҳам керак. Негаки, ҳар қандай жиддий, қутилмаган, қалтис мавзун ҳам қаловини топган одам ҳаяжонга тушмай бемалол ёритиши мумкин... Хайрулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Би-Би-Си (Англиз) радиосининг ўзбек хизмати мухбири: -- Тўғри, биз бот-бот ҳавас билан тилда олаётган илгор жамиятлар демократия деган «қан» билан тирик. Шу ўринда матбуот ва унга бириктирилган туртинчи ҳокимиятлик маъсулиятининг ўрни нақадар? Назаримда, бизнинг матбуот туртинчи ҳокимиятликка даъвоси бор экан, у энг аввало, ўзидан олдинги уч ҳокимиятнинг

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаббири, оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди раислоши:

Ҳар бир миллий матбуот фаолиятининг бош вазифаси, табиийки, шу жамият олдиде турган вазифа билан бевосита боғлиқдир. Жамият ўз ҳаётида қандай муаммоларга дуч келса, матбуот ҳам айни шу муаммоларни бошидан кеңиради. Бинобарин, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ҳуқуқий даражалари турлича бўлган давлатлар матбуоти олдиде бир ҳил талаб ёки вазифа қўйиб бўлмайди.

Бундан англашиладики, жамиятнинг ҳолатига қараб матбуот сўзининг йўналишлари ҳам ўзгариб турилади. Собиқ тузум шароитида биз нималар




ҳақида ва қандай ёзар эдик? Муваққиллик арафасида нималар учун курашдик, ва бутун қайси қадриятлар тўғрисида қалам тебратмоқдамиз? Мана шу фаққоний ўзбек фикримизни далиллай олади.

Матбуот олдига қўйилдиган умумий вазифалар ҳам бор -- унинг сўзи ҳаммаша холис ва ҳаққоний бўлиши, тарафкашлик қуроллига, ўч олиш минбарига айланмаслиги керак. Иккинчидан, матбуот ўз сўзининг ростлиги, ҳаққонийлиги, билан бир қаторда унинг ўриндиллиги учун ҳам масъулдир. «Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланishi мумкин», деган демократик изоҳ у ёки бу масалада таҳририят позициясининг заифлашувига олиб келмаслиги керак.

Бугун биз жамиятнинг демократлашуви, сиёсий ислохотларнинг бориши, ўзликни англаш, миллий гурур, миллий маъсулият, инсон манфаатлари, қонун устуворлиги тўғрисида фикр юритмоқдамиз. Ҳуқуқ дегани бу -- одамларга бирор ким томонидан инъом этиладиган «қад» эмаслигини, одам боласи бу фойий дунёга ўз ҳуқуқлари, манфаатлари билан келишини тушуниб етмоқдамиз. Ва яна ҳуқуқ бу -- қонун эмаслигини, у -- янаша илми, турмушининг сифат даражаси эканлигини фарқлай бошлаймиз. Бу тушунчалар беинтисо ҳаммаси учун янги бир ҳолат, янги бир мавзудир. Демакки, уларни моҳиятан чуқур англаб етмоқ зарур.

Бугун бизда сиёсий ислохотлар жадаллик билан олга сурилётган экан, матбуот ҳам ўз навбатида шу йўлга ўтиши керак. Бошқа йўл йўқ, Ўзбек

ХОРИЖДАН ХАВАРЛАР



Миср - Исламдаги янги Монтаял саройи.

ПОРАХЎРЛИҚДА АЙБЛАНМОҚДА Сеул, Жанубий Корея Республикасининг янги ички ишлар вазири эътиб Миллий мажлис депутаты, Янги Корея партиясининг раҳбари Со Чон Хва тайинланди.

Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, айни кунларда собиқ ички ишлар вазири Ким У Сок устидан жиноий иш кузатилган. У инқирозга юз тутган «Ханбо» концерни раҳбаридан пора олганликда айбланмоқда.

ПОЛИЦИЯ ҚИДИРМОҚДА Гондурасининг Сан-Педро-Сула шаҳридаги рестороанларни номалум шахслар гранатомётдан ўққа тутган.

Дастлабки маълумотларга қараганда, шаҳардаги олтида рестороан мана шундай қутилмаган ҳужумга дуч келган. Айни пайтда маҳаллий полиция мазкур иш юзасидан қидирув бошлади.

ТЎҚНАШУВ Сомали пойтахти -- Могадишода қуроли гуруҳлар ўртасида тўқнашув юз берди. Натижада 15 киши ҳалок бўлди, 32 киши касалхонага ётқизилди. Ҳалок бўлганлар орасида тинч аҳоли вакиллари ҳам бор.

Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, мазкур қуроли тўқнашув мамлакатдаги икки йирик ҳарбий-сиёсий йўлбошчи -- Али Маҳдий Муҳаммад билан Шайх Али Дара жангарилари ўртасида юз берган. 1991 йили Муҳаммад Сиод ҳукумати қўлагач, мамлакатда ҳокимият учун кураш бошланган эди ва эндиликда бу фуқаролар урушига айланиб кетди.

БУТУН ДУНЁ ТАТАРЛАРИНИНГ ИККИНЧИ КОНГРЕССИ БЎЛАДИ Жорий йилнинг август ойида Қозон шаҳрида бутун дунё татарларининг иккинчи конгресси бўлиб ўтади.

Татаристон Президенти Минтимер Шаймиевнинг фармонида биноан, республика Бош вазири Фарид Муҳамметшин раҳбарлигида ташкил қўмида тузилди. Мазкур конгресс биринчи марта 1992 йили қақирилган эди. Унда МДХ ҳамда хорижий давлатларда яшаётган татар миллиати мансуб муҳожирлар иштирок этган. Айни пайтда дунёдаги татарлар 10 миллион кишини ташкил этади. Уларнинг 7 миллион нафари собиқ иттифоқ ҳудудида истиқомат қилаётти.

НАВОИЙ ГУЛШАНИ

Маълумки, Алишер Навоий ўз асарларида, хусусан, «Хамса» таркибига кирган достонларида қаҳрамонларнинг ёрқин тимсолларини чизар экан, уларни маънавий жиҳатдан ниҳоятда етук ва бой кишилар сифатида тасвирлаган. Шу ўринда XV аср, хусусан, ўша асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда маънавиятнинг аҳволи қандай эди? -- деган савол туғилади.

Бу тўғрида гап борар экан, аввало, шунга таъкидлаш керакки, соҳибқирон Амир Темур вафотидан кейин Шохруҳ салтанати, Улуғбек салтанати даврида қўшни мамлакатлар билан тинч ўрнатилган муносабатлари ўрнатилди. Асосий диққат-эътибор мамлакат ичкарисидagi иқтисодий, маданий аҳволи яхшилашга, ривожлантиришга қаратилди.

Жомий шундай буюк инсонлардан эди. Навоий «Хайратул-аброр» достониди уни илоҳий нурлардан баҳраманд бўлган, ҳатто илоҳий силрларни кашф этган улуг аллома сифатида таъриф-

замондоши Мавлоно Риёзийдир. У ҳақда «Мажолисун-нафос»нинг иккинчи мажлисида куйидиларини ўқийми: «Мавлоно Риёзий -- самарқандликдур. Мутокаббир ва муъжиз киши эрди.



санъатнинг бир соҳаси билан чегараланиб қолмасдан, бошқа соҳаларни ҳам эгаллашга ҳаракат қилганлар ва бунга эришганлар ҳам. Чунончи, Биноий шун даврнинг кўзга кўринган шоир ва ҳаттоларидан бўла туриб, мусиқадан узоқ бўлган. Аммо унинг бу камчилигини кўрсатганларида танқидни тўғри қабул қилиб, оз фурсатда мусиқани ўрганган, ҳатто бу соҳа бўйича рисола ҳам ёзган.

Навоий даври маданий, илмий ва адабий муҳитини Паҳлавон Муҳаммадсиз тасаввур этиш қийин. У расман подшоҳ саройида паҳлавонларнинг бошлиғи, устози бўлган. 40 йил давомида елкаси ерга тегмаган экан. Айни вақтда ўз даврнинг «Согоҳ», «Чахроғоҳ» каби куйларини яратган бастакор, ашулачи ва раққос, шоир ва фикр олим сифатида ҳам ном чиқарган. Шунча фазилатлари устига у яна яхши табиб ва ошпаз ҳам экан. Қачон подшоҳнинг таълимик овқат егиси келса, махсус одам юбориб, Паҳлавон Муҳаммад пиширган таомдан олиб келтирар экан. У мусулмонлар орасидигина эмас, яҳудийлар ва насронийлар орасида ҳам ҳурматга сазовор бўлган.

Хулоса қилиб айтиш керакки, Навоий ўз адабий ва илмий асарларида тасаввуфий қарашларидан, эстетик идеалдан келиб чиқиб, комил инсон назариясини олға сураб экан, бу мавзуд ҳаётидан узилган куруқ гаплар эмас, бунинг илдизлари XV асрдаги илҳомий-сиёсий ва маданий ҳаётда бор эди. Яъни улуг шоир ўз асарларида инсон ва унинг фаолияти билан боғлиқ, амалга ошиши мумкин бўлган орзуларни куйлаган ва шу йўналишдаги гоиларни илтари сурган.

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ.

МИЛЛИОНИ БОР БИЛИМ ЮРТИ

Тахтирота шахридаги 4-хунар-техника билим юрти ўқувчилари ўз меҳнатлари эвазига 1 миллион сўмдан кўпроқ даромад топдилар.

Бу миллион уларнинг шартнома асосида республика ўқув ўринлари учун тайёрлаб берган 500 дона партаси ҳисобидан келиб тушди.

Бундан таққари, билим юрти ўқувчилари ўзларининг ёрдамчи ҳўжалиғи майдонларида 20 тоннадан ортиқ пахта, 12,5 тонна қовун ҳосили етиштирдилар, 300 дона ёғочбоп оқтрак қирқиб олинди.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.



Таллимаржон шаҳарчасидаги 49-дорихона жамоаси эл саломатици йўлида амалга ошираётган шарофли меҳнатлари туфайли барчага олқишча сазовор бўляпти. Дорихона мудбири Шермат Қобилов 30 йилдан бери шу соҳада ишлайди. Унинг йиллар давомида тўплаган тажрибаси дори-дармон анча қиммат бўлган бугунги кунларда анча қўлга келмапти. Шермат ақинини ташаббуси билан чўи бағридаги ўлаштирилган майдонларда турли дориюв усулликлар ўстириш йўлга қўйди. Бугунги кунда ишга олишга дориюв усулликлардан унлаб хилдаги қўлбола дориюв тайёрлаётган.

Суратларда: дориювусуллар Эрнарар Бабаюнов ва Ғўзиула Бўриева лабораторияда; Шермат Қобилов иш устида. Ш. Шаропов (ЎЗА) олган суратлар.

Ране-баране олам

СОТУВЧИСИЗ ДЎКОН

Япониянинг «Эм-Эн-Эс» компанияси савдо соҳасида янгилик яратди -- Токио марказида ке-чаю кундуз сотувчиси ишлайдиган дўкон очди.

Дўконда барча жараён компьютерлаштирилган бўлиб, харидор пештахтада турган молнинг тартиб рақамини компьютерда те-ради ва экранда кўрсатилган миқдорда пул тўлайди. Махсус лента эса харидорга керакли молни етказиб беради. Бу дўконнинг бошқаларидан яна бир фарқи шундаки, харидор фақат 7 турдаги зарур маҳсулотнинг ҳар биридан 9 донадан олиши мумкин, холос. Чунки дўкон ом-борхонасидаги моллар чекланган.

КАЛБАКИ ТАҚИНЧОКЛАР

Чехия заргарлик дўконларидан тилла тақинчоқлар соти- олиш хавфли бўлиб қолди.

Чехия давлат назорати бошқармасининг маълум қилишича, мамлакатдаги заргарлик дўконларидан қўллаб миқдорда қалбаки «тилла» тақинчоқлар топилган. Улар, асосан, Осиё мамлакатларидан келтирилган бўлиб, яшашда ранги олтинга ўхшаш металлардан фойдаланилган холос. Ҳозир мамлакатдаги барча заргарлик дўконларидаги «қимматбаҳо» молларнинг сифати ва қандай йўл билан олиб келингани текширилмоқда. Агар ушбу қаллобликка дўкон эгалари ҳам шерик бўлса, уларга турли му-дат билан қамоқ жазоси берилиши мумкин.

СИРЛИ ШАРШАРА

Табиатнинг мўъжизаси кўп. Хитойдаги Хенян ўлкасида гаройиб ҳусусиятли шаршара бор.

Шаршара баҳорда музлай бошлайди, иссиқлик даражаси кўтарилгани са-йин муз қатлами ҳам қалинлашиб, айни саратон кунлари у 500 квадрат метрни ташкил қилади. Куз охирида, кунлар со-вий бошлаганда шаршара-нинг музи эрийди ва қишда тошдан-тошга ури-либ оқади. Табиатнинг бу «мўъжиза»сини ўз кўзи билан кўриш ва тадқиқот ўтказиш учун бу ерга бугун дунёдан метеоролог-лар, геологлар ва сайёҳлар бегўҳтов келиб кетадилар. Лекин бу «сирли» шаршара ҳамон фан оламини лол қолдириб келмоқда.

ШОИР ЗАМОНДОШЛАРИ ВА МАЪНАВИЯТ

лайди. «Лайли ва Мажнун» достониди эса Жомийнинг «Сухбат-ул-аброр» достонини мадҳ этиб, бу асар кўкдаги фаршталарни ҳам тасвех ўгиришга, шу йўл билан Оллоҳ зикрини бундан ҳам ортиқ қилишга чорлади! -- дейли ва ана шундай олам-нинг мурди эканидан беҳад фойрланади.

Навоийга энг яқин турган замондошларидан яна бири Саййид Ҳасан Ардашер бўлиб, шоир уни ўз замонасининг энг истеъодли, билим-ли кишии бўлганини «Мажолисун-нафос»да шундай таъриф қилади: «Бу фақир турк ва сорт орасида андин тамомроқ киши кўрмайдурмен. Йигитликда зоҳир улумин касб қилиб эрди. Аммо фақр жониби (яъни тасавуф -- А. Х) голиб эрди. Тасавуфда табиб хўб эрди... Иккала тил била гоҳи назм айтур эрди».

XV асрнинг иккинчи ярмидаги Хуросонда машҳур кишилардан яна бири Хусайн Воиз Кошифий бўлган. «Оз фан бўлайми, даҳли бўлмайми», -- деб ёзди Навоий унинг тўғрисида «Мажолисун-нафос»да. Унинг тасавуф тарихи ва назариясига оид «Футувватнома Султоний» асари Н. Комилов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, «Шарқ юлдузи» журналининг 1993 йил I ва 3-4 сонларида босилиб чиқди. Кошифий айни вақтда йирек адиб ҳам бўлиб, «Калила ва Димна»ни «Анвару Сухайл» номи билан қайтадан ёзган. Шеърлари ҳам машҳур бўлган. Навоийнинг яна бир

Фазалии бағоят хўб айтур эрди. Жомеъул-фазойил ва муқовидул-даволий киши эрди ва етти қалам билан хатни хўб битир эрди ва ҳам мулло ва ҳам ҳофизки, «Куръони мажид»ни етти қироят билан билур ва ўқур эрди ва ҳам котиб ва ҳам шоир ва ҳам маолий эрди. Илми мусиқий ва алвор ва нужум ва истихро-жи рамал ва байри золика ҳеч нимарасалид бенасиб эмас эрди».

Бундай таъриф ва тавсифлар фақат Мавлоно Риёзий шайғани бўлмади, шундай одамларни тарбиялаб етказган замон, тарихий шароитга ҳам тегишлидир. Чунки бундай қомусий фазилатларни бир

инсонда шакллантириш тарбия, ўқув ишларининг ниҳоятда йўлга қўйилгани билан боғлиқ.

Илмга, маърифатга ўзи-нинг бутун борлигини бағишлаган бундай зотлар дунё бойлиқлариға, шоҳларнинг инъомлариға, давлат мансаблариға уммаганлар. Масалан, Навоийнинг ёзишича, Мир Камолддин Хусайн деган киши Ироқ подшоиси Султон Ёқубнинг юз минг олтинидан воз кечиб, Хуросонда Абдурахмон Жомийнинг хизматида бўлишни «матбуъ ва макбул» ҳисоблаган.

Бу даврда кишилар бир касб, бир ҳунар ёки илмининг,

СУХАНДОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Учқурғон туман маданият уйида «Сухандон» кўрик-танови ўтказилди. Унда туман маданият уйларида фаолият кўрсатаётган тўтарак иштирокчилари беллашди.

Қатнашчилар она юртининг, тинчликнинг, меҳнатни мадҳ этувчи матнарини ифодади, бадий ўқиш, ёддан айтиш сингари талабларни бажаришди. Танловда Янгиобод қишлоқ маданият уйи бадий ўқиш тўтарак қатнашчиси Дилором Давлатова ва фолб чиди ва у вилоятда ўтказилган «Сухандон» кўрик-тановида қатнашадиган бўлди. Танлов якунида фолб ва қатнашчиларга эсдалик совғалари топширилади.

С. ЖўРАЕВА, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

ФАРМОН ВА ИЖРО

РАҚС САЪНАТИМИЗ АНДИ ПОҒОЖАТА ЧИҚАДИ

Мамлакатимизда маданият ва санъатни ривожлантиришга бўлган эътиборнинг кучайиши ижодкорлар учун янада кенг имкониятлар эчиб бермоқда. Республикаимиз Президентининг бу борадаги фармонлари уларнинг кучига-куч, гайратига-гайрат қўшиб, янги уфқларга илҳомлантирмоқда. Айниқса, «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармон ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган ва авлоддан авлодга ўтиб келаятган жозибали рақс намуналарини тўплаш, бойитиш, халқимиз онгига бу бебаҳо бойликларга чуқур ҳурмат ва ҳавас туйғуларини сингдириш, уларда миллий маънавиятимиз, қадриятларимизга инсондан эҳтиром ҳиссини юксалтиришга хизмат қилади.

Республикамизда рақс усталаридан бири, «Тановар» рақс театрининг бадий раҳбари ва бош балетмейстери, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юлдуз Исмаилова ЎЗА мухбири билан суҳбатда бу борадаги ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича ифода-лади.



Истиқлол шарофати билан Наврўз ва Мустақиллик кунини умум-халқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда, -- деди у. -- Ана шу тантаналарда Қорақалпоғистон рес-публикаси, барча вилоятлардан қўллаб бадий ҳаваскорлик жамоа-лари иштирок этмоқда. Улар пойтахтдаги катта сахнада бирла-шиб янги дастурлар яратишяпти. Бунда ўша жойларнинг ўзига хос рақс санъати ва йўналиши ҳам намойи бўляпти. Бу эса барчада кат-та қизиқиш уйғотмоқда.

Истеъодли ёшларни тарбиялаш, қобилиятини такомиллаштириш учун эътибор, ғамхўрлик зарур эди. Юрт-бошимизнинг фармонидан сўнг улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади-ган бўлди. Зеро, фармонда халқ санъаткорларини сахна либослари, машқ заллари билан таъминлаш, санъат муассасалари, ўқув даргоҳ-ларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, балетмейстерлар меҳнатини қадрлаш кўзда тутилган. Улар энди иқир-чиқирларга чалғимасдан бутун кунини кўп кир-

рали миллий рақсимизни ривож-лантириш ишига сарфлайди. Кўпгина рақсозларимиз, айрим ансамблларимиз кейинги пайтлар-да қандайдир бир йўлга кириб қол-ган эдиларки, уларнинг ижодий йўналиши бир-биридан деярли фарқ қилмас эди. Сабаби, халқдан узоқлашиб қолинганди. Ваҳоланки, халқдан узилиш миллий рақсимизни бойитмайди, балки кашшоқлашишига олиб келади. Ус-тозларимиз уста Олим Комилов, Тамарахоним, Мукаррама Турғун-

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва республика дезинфекция станцияси жамолари, дезинфекция станциясининг бош шифоқори Яқўб Пулатовга ўқас. Қобил ПУЛАТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия илҳор этади. Ўзбекистон кўме санъати тармоқлари ходимлари касба уюш-масининг марказий қўмитаси Кўкон суперфосфат ишлаб чиқари-ши бirlашмасининг илҳчилар талминоти жамоа қорхонаси жа-моси қорхона бошлиғи Жаббор Ҳасановга онаси СОЛБИҲОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТАШКИЛОТ руҳ аралаш пўлатдан тайёрланган ПРОФНАСТИЛ (ТУШАМА-ТУНУКА) СОҒАДИ Қалинлиги - 0,7-0,8 мм. НОВА(ГОФРА) БАЛАНДЛИГИ - 35, 57, 75 мм. УЗУНЛИГИ - ХАРИДОР ХОҲИШИ БЎЙИЧА. Нархи бозор баҳосидан анча арзон. Телефон: (3712) 41-41-77. Факс: (3712) 41-54-90.

АСРГА ТЕНГДОШЛАР

ЭНАБИНИНГ БАХТЛИ МОМОСИ

Энабиби -- ҳозир тўрт ойлик чақалоқ. Йигирманчи аср ниҳоясида худо умр берса, у уч ёшга қадам қўяди. Энабиби -- Нуржон момонининг чевараси. Алғов-далғовли асримиз арафасида момоси ҳам худди чевараси каби дунё ташвишларидан холи чақалоқ эди. Бугун табаррук юз ёшнинг ортада қолдириб, бир этак фарзандлари қуршовида яшяпти.

«Турмуш ўртоғим уста Бўёзининг дунёдан кетганига ўттиз йилдан ошяпти, -- дейди мома. -- Турмуш ташвишларини биргаликда тортиқ. Тўққиз фарзанд -- беш ўғил, тўрт қизни тарбиялаб, вояга етказдик, уйли-жойли қилдик». Момонинг катта қизи Ёқутжон она қолхозда иш-ляди, ҳозирда нафақахўр. Угли Машариф ҳам қирқ йил тракторчилик қилиб, қариллик нафақасига чиққан. Қизлари Санамжон ва Гул-жонлар ҳам кексалик гаши-тини суршимоқда. Саксон нафарга яқин неваря, юздан ошқ чевара...

ларда дунёдан ёш кетди. Онаси эса салкам юз ёшлар-да -- қизининг бир этак фарзандлари даврасида бан-даликни бажо келтирган. Ана шу ёлғиз фарзанд -- Нуржон момо авлодлари бугунда Хазорас туманида-ги Карвак қишлоғидаги йигирманча қишлоқда турмуш кечиршимоқда. Юз-дан зиёд фарзандлари, не-варя ва чеваралари турли соҳаларда меҳнат қилишя-пти.

-- Сиз бугунги кунда воҳанинг энг кекси кишии экансиз. Туғилиш ҳақидаги расий ҳужжатла 1880 йил кўрсатилаган. Агарда бу ҳуж-жатга суянсак, бир юз ўн етти ёшга қораласиз... -- Кексалик қурсин, хо-тира қолибдими? Ёшим не-чада эканлигини эслай ол-майман. Ёдимда қолганлари болшевик деганларнинг юртга келишигана, қолхоз деганини тузишигана... Бу қол-хоз деганида эрта-кеч иш-лаганмиз. Ёшлигимизни ана шу оғир меҳнат еди, болам...

Нуржон момо ҳалиям те-тик. Гарчи қулоқлари оғир-лашиб, хотираи сустлаган бўлса-да, хонадонма-хона-дон юриб, фарзандлари, не-варя-ю, чевараларидан ха-бар олишни қанда қилмай-ди. Бундай узоқ умр ато эт-ган Оллоҳга шукрона тар-зида Рамазон рўзасини ту-

тишни бу йил ҳам қанда қилмади...

Карвак қишлоғидаги Ми-жовулнинг элатининг кекса онахони ҳурмат-иззатда. Байрамларда, улуг саналар-да ҳўжалик ва қишлоқ раҳ-барлари момони йўқлаб ке-лишяпти, ҳолдан хабар оли-шяпти. Элатда тўй-томоша бўлса, қозондаги таомдан, албатта, момонинг улushi-ни жўнатишяпти.

Хазорас туманида муста-қиллик онларига етиб ке-лиш насиб этган юз ёшли-лар сони эллик нафардан зиёд. Биргина Карвак қиш-лоғидан шу ёш остонасини хатлаган беш нафар табар-рук қария истиқомат қи-лади.

... Карвак қишлоғи -- Хо-разм вилоятининг энг ба-ҳаво маскани. Бутун воҳани обит-ҳаёт билан таъминлай-диган энг йирек сув ҳавза-лари ҳам шу ердан бошла-нади. Амударёдан ирмоқ олади. Бу масканди бир аср яшамок рекорд эмас, оддий ҳол. Шу боисландир қиш-лоқдаги энг кекса киши -- Нуржон момо Бўёзовани из-дал борганимизда баъзилар «Бизла кекса кишилар кўп, қайси бири билан учраш-моқсизми», деб савол назари билан қараганларини ту-шуниш мумкин.

А. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: А. УСМОНОВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Халқлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ ҳўжалиғи 36-07-94; Иқтисодийт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Туниш муҳарририят 33-10-28; Эълонлар 36-09-25, Вахшир 33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир -- Х. Сатторов. Навбатчи -- В. Остонақулов. Мусавҳах -- Ш. Режапов.